**Ходимлар ойлик иш ҳақи.**

| № | Лавозим | Сони | Бир ойлик иш хаки (минг сўм) | Бир ойда (минг сўм) | Бир мавсумда - 4 ой (минг сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Бошлик | 1 | 700 | 700 | 2 800 |
| **2** | Ҳисобчи | 1 | 700 | 700 | 2 800 |
| **3** | Ишчилар | 2 | 700 | 1 400 | 5 600 |
| | **Жами :** | **4** | | **2 800** | **11 200** |

**Ишлаб чиқариш даромад ва харажатлари**

| | Кўрсатгич | Ўл-чов бир-лиги | Миқ-дори | Нархи (минг сўм ) | 1 ойда (минг сўм ) | 1 мавсум - 4 ой (минг сўм ) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Ишчилар сони | Киши | 4 | | 2 800 | 11 200 |
| | **Шу жумладан** | | | | | |
| | Иш хаки фонди 12% ажратма | сўм | | | 336 | 1 344 |
| | Иш хақи фондидан даромад солиғи 12 % | сўм | | | 336 | 1 344 |
| **2** | Бошқа харажатлар | сўм | | | | 3 770 |
| | **Жами харажатлар** | **сўм** | | | | **14 970** |
| | **Маҳсулот сотувидан тушган маблағ** | | | | | |
| **1** | Маҳсулот | кг | 3 500 | 24 | | 84 000 |
| | Кўк масса | кг | - | - | | - |
| | **Жами** | | | | | |
| **2** | Солиқ – умумий тушумдан 4 % | сўм | | | | 3 231 |
| | **Соф фойда** | | | | | **65 799** |


**Савдо-саноат палатасининг марказий аппарати**
Тошкент ш 10047, А. Темур шох к. 4
Тел: 78 150-60-06
Ишонч телефон 1094
Web-site: www.chamber.uz
E-mail: info@chamber.uz



**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус ш. А.Темур к. 112 А уй
Тел: (0-361) 770-71-01
Факс: (0-371) 770-71-01
E-mail: qr@chamber.uz

**Андижон вилояти**
Андижон ш. А.Навоий к. 122 уй
Тел: (0-374) 298-11-01
Факс: (0-374) 298-11-01
E-mail: an@chamber.uz

**Бухоро вилояти**
Бухоро ш. Мустакиллик к. 1А уй
Тел: (0-365) 770-11-01
Факс: (0-365) 221-59-06
E-mail: bx@chamber.uz

**Жиззах вилояти**
Жиззах ш. Ш.Рашидов к. 14 уй
Тел: (0-372) 771-11-01
Факс: (0-372) 226-24-47
E-mail: jz@chamber.uz

**Қашқадарё вилояти**
Қарши ш. Мустакиллик к. 22 уй
Тел: (0-375) 771-11-01
Факс: (0-375) 227-78-16
E-mail: qr@chamber.uz

**Навоий вилояти**
Навоий ш. Меъморлар к. 33 уй
Тел: (0-436) 770-31-01
Факс: (0-436) 770-31-01
E-mail: nv@chamber.uz

**Наманган вилояти**
Наманган ш. У.Носир к. 7 уй
Тел: (0-369) 227-21-01
Факс: (0-369) 227-27-54
E-mail: na@chamber.uz

**Самарқанд вилояти**
Самарқанд ш.
А.Навоий к. 58 уй
Тел: (0-366) 210-11-01
Факс: (0-366) 210-11-01
E-mail: sn@chamber.uz

**Сурхондарё вилояти**
Термиз ш.
Ат-Термизий к. 2 уй
Тел: (0-376) 298-11-01
Факс: (0-376) 298-11-01
E-mail: sd@chamber.uz

**Сирдарё вилояти**
Гулистон ш.
Қахрамонлар к. 1 уй
Тел: (0-367) 235-02-81
Факс: (0-367) 235-02-81
E-mail: sr@chamber.uz

**Тошкент вилояти**
Тошкент ш.
Қора-су йўли к. 118 уй
Тел: (0-371) 202-21-21
Факс: (0-371) 150-91-01
E-mail: tv@chamber.uz

**Фарғона вилояти**
Фарғона ш.
Б.Марғилоний к. 58 уй
Тел: (0-373) 244-52-87
Факс: (0-373) 244-60-02
E-mail: fa@chamber.uz

**Хоразм вилояти**
Урганч ш.
Баходирхон к. 183 уй
Тел: (0-362) 770-51-01
Факс: (0-362) 770-51-01
E-mail: xz@chamber.uz

**Тошкент шахри**
Тошкент ш.
Шахзисабз к. 142 уй
Тел: (0-371) 236-25-47
Факс: (0-371) 236-03-53
E-mail: th@chamber.uz


O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

**ЎЗБЕКИСТОН**

**САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ**



**БУЮК**

**КЕЛАЖАКНИ**

**БИРГА**

**ҚУРАМИЗ!**

**Тошкент 2021**

## БАЛАНД БЎЙЛИ АНДИЗ



Андиз – бу Asteraceae оиласига мансуб кўп йиллик ўсимлик, баландлиги 160-150 см, қалин, калта, этдор, кўп бошли илдизпояга эга, улардан бир нечта қўшимча илдизлар тарқалади. Пояси тик турувчи, чизиқ-чизиқли, калта, зич, оқ туклар билан туклланган, юқори қисмида қисқа шохланган. Барглари кетма-кет, йирик, нотекис тишсимон, ташқи томони бироз бурушган, остида кулранг юмшоқ тукланган. Гуллар диаметри 8 см бўлган тўпгул (саватчалар) ичида тўпланган; асосий поя ва новдаларнинг юқори қисмида саватчалари зич бўлмаган рўвак ёки қалқончани ҳосил қилади. Гуллари олтинсимон сариқ, хира оқ рангли тукли попуги бор. Меваси 4-5 мм узунликдаги тўрт қиррали қўнғирранг писточалардан иборат бўлиб, унинг попуги пистачага нисбатан икки баравар узундир.

### Андиз етиштириш технологияси

Баланд бўйли андизни Ўзбекистоннинг барча тупроқ турларида экиб, кўпайтириш мумкин. Лекин ўтлоқ, қумлоқ ёки бир оз соғ тупроқли бўзтупроқлар бўлса жуда яхши бўлади.

Илдизлари жуда чуқурда жойлашади. Шунинг учун экиндан олдинги шудгор 30 см чуқирликгача амалга оширилиши зарур. Ерни хайдашдан олдин гектарига 200 кг.дан суперфосфат солинади. Азотли ўғитлар биринчи йили, 2-3 чинбарг чиққан даврда солинади. Шунингдек қайта тикланиш куртаклари ҳосил бўлиши даврида (июль) гектарига 100 кг.дан солинади.

Ўсимлик плантацияси ташкил этиш учун уруғдан экилади. Уруғлар баҳор ёки куз мавсумида, Қатор оралари 70 см.дан бўлган майдонда гектарига 10-12 кг ҳисобига экилади. Уруғ экиш чуқирлиги 0.5-1 см.ни ташкил этади. Уруғлар 7-10 кунда уруғ униб чиқади ва майса ҳосил бўлади. Ёш майсалар 2-3 барг чиқарган даврда, бир йиллик экн майдонида ҳар туп оралиғи 10-15 см қилиб ягоналади. Айни вақтда бу жараён бегона ўтларни ўтоқ қилиш билан бирга олиб борилади. Баланд бўйли андизнинг ўзак илдиз тармоғи бақкуват, яхши ривожланиши ҳисобга олиб, ҳар 20-25 кунда қуйдагича: май-1, июнь-2, июль-2, август-1\2, сентябрь-1, жами биринчи йили 7-8 марта, иккинчи марта 6-7 суғорилади.

Ўсимлик биринчи йили 70 см.гача узунликда 70 дона баргдан иборат тўпбарг ҳосил қилади. Туганак-илдизи учки қисмининг кўндаланг кесими мавсум давомида 5см.гача етади. Илдиз қалин цилиндирсимон, узунлиги 7 см гача етади , ёки кўпинча унинг туб қисмидан иккинчи тартибли қалин илдизлар тарқалади. Бир йиллик илдизнинг ўртача вазни ҳўл ҳолда 73-75 г, айрим ўсимликларда эса 200 г гача етади. Уруғ ва илдиз хосилини олиш учун ўсимлик икки ва уч ёшли бўлиши керак. Солинадиган ўғит миқдори ҳар гектарига: фосфорли ўғитлар 200 кг, азотли ўғитлар эса бир марта июнь ойида 100-200 кг ни ташкил этади. Тоғ этакларида лалми шароитда баланд бўйли андизни экиб ўстириш мумкин. Баланд бўйли андизни уруғи қийғос пишиб етилгач, очилиб тўкилишидан олдинроқ, гулдорпояларни қирқиб йўли билан йиғилади. Гулдорпоялар хирмондга тўпланади ва шамолдан пана жойда 2-3 хафта сақланади. Кейин берк хонада гулдорпоялар майдаланиб туйилади.

Илдизларни йиғиб олиш учун ер устки қисми аввал ўриб олинади. Ўсимликнинг ер устки қисми қорамолга ем сифатида берилади. Ўсимликнинг ер остки қисми элеватор тарзидаги лавлаги йиғиш ёки картошка йиғиш кавлайдиган машиналар ёрдамида йиғиб олинади. Ҳосилдорлик гектар ҳисобига 30-35 центнерни ташкил этади.

### Махсулот тайёрлаш

Ўсимлик хом-ашёси вегетация даврининг иккинчи йили йиғилади. Қора андизни тайёр хом-ашёси бутун ёки майдаланган илдизпоя ва илдиздан иборат бўлади. Унинг узунлиги 2 см дан 20 см гача ёки эни 0.5-3 см гача кесилади. Ҳиди ўзига хос, таъми аччиқ бўлади.

### Ишлатилиши

Андизнинг препаратлари балғам кўчирувчи ва яллиғланишга қарши хусусиятларга эга, шунингдек, ичакнинг кучайган ҳаракатчанлигини ва секреция фаолиятини пасайтириши мумкин. Андиз илдизлари ва илдизпояларда сақланадиган эфир мойи антисептик ва гижжа туширувчи таъсирларга эга.

Андиз препаратлари нафас йўлларининг сурункали касалликлари – шилимшиқнинг катта секрецияси билан бирга кечадиган трахеит ва бронхит касалликларида учун балғам кўчирувчи сифатида қўлланилади. Улар гастроэнтерит ва юқумсиз диарея касалликларида яхши даволовчи восита ҳисобланади.

Андизнинг илдизпоялари ва илдизларидан қайнатма. 10 г (1 ош қошиқ) андизнинг эзилган илдизлари ва илдизпояларига 1 стакан сув билан қуйилади, қайнатилади, қайнаб чиққач, 10-15 дақиқа давомида қайнатилади, совитилади ва йўталда балғам чиқарувчи восита сифатида ҳар 2 соатда бир ош қошиқдан илиқ ҳолда ичилади.

Асал (1:1) билан аралаштирилган андизнинг илдизпоялар ва илдизларидан олинган шарбат йўтал ва бронхиал астмада қўлланилади.

### Пул маблағини йўналтириш

| Т/р | Сотиб олинадиган мулк ва хом ашёлар | Миқдор | Ер майдони | Сотиб олиш бахоси (минг сум) | Жами Суммаси (минг сум) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | **Андиз уруғи** | **10 кг** | **1га** | **26** | **260** |
| 2. | **Органик ўғит** | **5 тонна** | **1га** | **0.125** | **625** |
| 3 | **Фосфорли ўғит** | **200 кг** | **1га** | **2,1** | **420** |
| 4. | **Азот ўғит** | **150 кг** | **1га** | **2,1** | **315** |
| 5. | **Калийли ўғит** | **-** | **1га** | **6,3** | **-** |
| 6. | **Ер хайдаш** | **1 марта** | **1га** | **300** | **300** |
| 7. | **Культивация** | **3 марта** | **1 га** | **50** | **150** |
| 8. | **Суғориш** | **7 марта** | **1га** | **100** | **700** |
| 9. | **Бошқа харажатлар** | | | | **1 000** |
| | **Жами:** | | | | **3 770** |